

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGINING MARKAZII MATBUOT ORGANI

● 2004 йил, 16 декабрь, пайшанба № 150 (2038).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 16 декабря, 2004 г. № 150 (2038).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING

ФАРМОЙИШИ

«СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ИИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий физкультура ва спорт билан шуғулланишни кенг ёйишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тuzилсин.

2. Республика комиссияси: вазирликлар ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хайрия жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари тузиб, уни тайёрлашга республиканинг етакчи мутахассис ва олимлари, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этсин.

3. Республика комиссияси «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг мақсади, асосий вазифалари ҳамда уни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларини аниқ белгиласин.

Дастурга киритиладиган барча тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари аниқ

белгиланган бўлиши, молиялашнинг реал манбалари ва уларнинг ижросини назорат қилишнинг таъсирчан механизми билан мустаҳкамланиши лозим.

4. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли оdatлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш. Ҳаётга, ўз сиҳат-саломатлигига худди мана шундай муносабат умумий эътироф этилган норма бўлиб қолиши ва болаликдан, шахснинг камол топа бошлаш давридан оқибатидан бошлаб қилиниши лозим;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она — соғлом бола мақсадли вазифасини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли пунктлари, энг аввало қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан қамраб олиш борасида бошланган ишларни давом эттириш, барча лойиҳа ва тадбирларни тўла-тўқис ижросига етказиш;

репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга оширишнинг давом эттириш, оилага васийлик қилиш, ёшларни оилавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғи-

лиши ва уларни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган ишларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қондаларининг аҳамияти ҳамда уларга рноя этиш зарурлигини ёш авлод чўқур англаб етишида ота-она ва педагоглارнинг ролини кучайтириш;

ғийҳандликка, чекишга, юкумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/СПИД тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш;

пенсия ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-манйий хизмат кўрсатишнинг яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кеиришлари учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аввало қишлоқ жойларда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Тошкент техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва республиканинг бошқа олий ўқув юртларида замонавий ташхис ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналарида ишлайдиган, уларга техник

ва дастурий хизмат кўрсата оладиган махсус кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология нормаларини тадбиқ қилишга, ҳар бир аҳоли пунктини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга, ичимлик сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш;

аҳоли кенг қатламлари орасида физкультура ва спорт билан шуғулланишни авж олдирини, айниқса болаларнинг спортга жалб этиш, республика ҳамда минтақавий мусобақалар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказишни ташкил қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, физкультура ва спортни оммалаштириш бўйича илгор халқаро тажрибаларини ўрганиш ва ёйиш, телевидение орқали махсус соғломлаштириш дастурларини кенг намойиш этиш, шунингдек жойларда болалар спорт комплекслари, жисмоний соғломлаштириш машқлари билан оммавий равишда шуғулланиш учун турли клублар, секциялар, машқ заллари тизимини жадал ривожлантириш;

тиббиёт кадрлари, биринчи навбатда ўрта тиббиёт ходимлари ва олий малакали ҳамширалар (реаниматологлар, анестезиологлар, операция ҳамширалари, туғруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш. Тиббиёт кадрлари тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхати, таълим андозалари ва ўқув дастурлари танқидий қайта кўриб чиқилсин ҳамда мутахассисларни тайёрлаш чоғида эскириб қолган ақида ва сиёқа қолиплардан воз кечиш назарда тутилсин;

тиббиёт ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, кичик тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларнинг меҳнат ҳақини оширишга, соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнатига тиббий хизматларнинг мураккаблик даражаси

ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, соғломлаштириш ва даволаш бўйича тегишли мактаблар ҳамда йўналишларни шакллантириш мақсадида, биринчи навбатда кардиохирургия, нейрохирургия, реаниматология, неонатология, микрохирургия, интервенциявий кардиология, эндовидеохирургия каби ва бошқа энг муҳим замонавий тиббиёт йўналишлари бўйича юқори малакали ва атоқли мутахассис врачларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш борасида зарур шарт-шароитларни яратиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудлар бўйича «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг аниқ-равшан тадбирларини ишлаб чиқадиган ҳудудий комиссиялар тузилсин ва улар икки ҳафта давомида Республика комиссиясига тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2005 йилнинг 1 февралига қадар тиббиёт ходимлари, биринчи навбатда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштириш, шунингдек соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига тиббий хизматлар ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этиш бўйича таклифларни тўлиқ ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 декабрь.

● КОМАНДИР (БОШЛИҚ)ЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА УРИНБОСАРЛАРИГА

Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучлар 13 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Мамлакатимиз Президентини — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонини Ислом Каримов «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида шундай деган эдилар: «Виз 14 январь санасини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, айна вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган

ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган минг-минглаб навқирон фарзандларимизнинг қутлуг байрами деб қабул қилишимиз, уни энг улуг, энг азият айём — Мустақиллик байрамини сингари юксак даражада нишонлашимиз лозим.

Бу сўзлар замирида чўқур маъно мужассамланган. Маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эри-

шганидан буён орадан ўтган тарихан қисқа муддат ичида мамлакатимизда миллий давлатчиликни тиклаш, уни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат асосларини яратиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

● ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ

ЭЗГУ ТИЛАНЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ

14 декабрда Марказий офицерлар уйида Қуролли Кучларимиз 13 йиллигига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни қисқача кириш сўзи билан полковник Қурбон Аминжонов очди. Шундан сўнг сўз Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоровга берилди. У ўз сўзида ўтказилди-

ган тадбирлар ёш авлоднинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муносиб ҳисса бўлишини алоҳида таъкидлаб, ташкилот ушбу муҳим ишда фаол иштирок этишини айтди.

(Давоми 2-бетда).

Ватан ҳимоячилари кунин ва Қуролли Кучлар 13 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тавсиялар

Энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши — халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимиз шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Қуролли Кучларимизни профессионал асосда кўриш ва модернизация қилиш бўйича ҳарбий ислотлар изчил олиб борилмоқда.

Қуролли Кучлар академиклари, ҳарбий билим юрталари ва сержантлар тайёрлаш мактабларини ўз ичига олган кадрлар тайёрлашнинг самарали тизими яратилди. Бугунги кундаги командир нечаги сержантдан тубдан фарқи қилади. У Ватан ҳимоясини бутун умрга ўзи учун касб қилиб олган ҳарбий мутахассисдир.

Ўзига хос институт бўлган сафарбарлик қадрли резервидидаги хизматининг мамлакатимизда жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этади. У мустақил мамлакатимиз мудофааси учун етарли даражада резервчилар армиясини тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Ватан мудофааси ва халқ ҳимоясини муқаддас бурчи билиб, ҳар парсадан устун кўйдиган, ўз тақдирини ва ҳаётини армия билан боғлаган ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли хизматлари давлатимиз томонидан ҳамisha муносиб эътибор билан қўрилган. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилганидан ҳар бир ёш ўғлон ўз халқига, Ватанига керак эканини, унга давлат ва жамият томонидан қамқўрлик кўрсатилишини донмо сезиб турибди.

Ватан ҳимоячилари байрам Широк, Спитамен, Тўмарис, Жалолддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк ватанпарвар аждодларимиз, Ватан озодлигини йўлида жон фидо қилган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўпон каби ота-бобларимиз муқаддас руҳлоқларига содиқ бўлиб, замонавий ҳарб илминни қўл билан ўрганаётган ва армия мактабини ўтаган мард ўғлонларнинг, ҳарбий хизматга тайёргарлик кўраётган барча ёшларнинг байраמידир.

Бу байрам элу юртга зарбидан йилитларини тарбиялаб бераётган муҳтарама оналаримизнинг, фарзандлари камоли ва ҳарбий шухратидан фахрланиб юрган оталаримизнинг, серқўёш гўзал дёнримизда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг байрамидир.

Қуролли Кучларимиз мудофаа қобилияти йилда-йилга юксалиб бормоқда, армия билан халқнинг яқинлиги янада яқинлашмоқда. Ватан ҳимоячилари кунин нафақат ҳарбийлар, шу билан бирга, барча ўзбекистонликларнинг умумхалқ байрамига айланапти.

Жорий йил 30 ноябрда мамлакатимиз Президенти Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонини томонидан «Ватан ҳимоячилари кунинга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиш имзоладиди. Мазкур фармойишга мувофиқ Мудофаа вазирининг йўриқномаси ишлаб чиқилди. Ушбу йўриқномада ҳарбий қисм ва муассасаларда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган

тадбирлар белгиланган. Фармойишга асосан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги ишларни бажариш талаб этилади:

— қўшилмалар, ҳарбий қисм ва муассасаларда 2004 йил 18 декабрда «Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кўтиб олиш — ҳар бир ҳарбий хизматчи ва Қуролли Кучлар хизматчисининг бурчи» мавзусида шахсий таркиб билан умумий йилнинг ўтказиши;

— ҳарбий қисм ва муассасалар, корхона ва ташкилотларда 15—16 декабрь кунлари «Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир» мавзусида Иқтимоий-сиёсий билимлар ягона кунини ўтказиши;

— ҳарбий қисм ва муассасалар, корхона ва ташкилотларда 24—25 декабрь кунлари «Юксак жанговар шайлиқни сақлаш, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг муҳим мажбуриятидир» мавзусида Хуқуқий билимлар ягона кунини ўтказиши;

— ҳарбий қисм ва муассасалар, корхона ва ташкилотларда жорий йил 25 декабрда тарбиявий ишлар соатларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига жорий йил 26 декабрда бўладиган сайловлар моҳиятини ўрганишни ташкил этиши;

— жорий йил 20—25 декабрь кунлари барча гарнизонларда олий ҳарбий билим юрталарини 2000—2004 йилларда битирган ёш офицерлар сўети ўтказиши; унда ҳарбий округлар, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари, махсус операциялар кучлари, бригада, ҳарбий муассаса ва ташкилотлар, ҳарбий билим юрталари ва марказ бўйсунувидидаги ҳарбий қисмларда аъло даражада хизмат қилиб келаётган ёш офицерлар ҳамда уларнинг ота-оналари, она аъзолари иштирокини таъминлаш энг илгор ёш офицерларини моддий ва маънавий рағбатлантириши;

— ҳарбий қисм ва бўлимлар, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий округлар сержантлар тайёрлаш мактаблари тарбиявий ва маърифий ишлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир», «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва бунинмас продасига боғлиқ» номли китоблари ва бошқа асарлари, миллий армиямизнинг ташкил этилиши, шаклланиши, Қуролли Кучларни ислот қилиш, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ёритувчи материалларни ўрганиш бўйича лекторийлар, семинарлар ташкил этиши;

— олий ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактабларида атоқли олимлар, фахрийлар ва Қуролли Кучлар қўмондонликлари вакиллари иштирокида «Ўзбекистон ва унинг Қуролли Кучлари: кеча, бугун, эртага» мавзусида мусоҳаба, мунозара ва семинарлар ташкил этиши;

— Қуролли Кучлар қў

шилмалари ва қисмларида, ҳарбий билим юрталари, ҳарбий округлар сержантлар тайёрлаш мактабларида уруш ва меҳнат фахрийлари, атоқли маданият ходимлари, шоирлар ва ёзувчилар, ижодий жамоалар иштирокида «Тинчлик ва осойишталик учун курашиш керак», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзуларида учрашув ҳамда тематик кечалар уюштириши;

— Қуролли Кучлар марказий музейи, офицерлар саройлари, ҳарбий билим юрталари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида адабий китоблар ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги бошқа санъат асарлари кўргазмасини ташкиллаштириши;

— Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оналарига таъриф уюштириши, улар ҳолдан хабар олиш ва моддий ёрдам кўрсатиши;

— қўшилмалар ва қисмларда спортнинг ҳарбий-амалий тувлари бўйича мусобақалар ўтказиши;

— ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, янги ҳарбий анъаналарни яратиш, ҳарбий хизматчиларда ахлоқий-жанговар ва дарғалик сифатларини шакллантириш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, профессионал юксалишни рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган «Энг илгор сержант», «Энг илгор гуруҳ командири», «Энг илгор вазод командири», «Энг илгор батальон командири» танловнинг 27-30 декабрь кунлари ўтказилаётган республика танловига тайёргарлик кўриши;

— ҳарбий қўшилмалар ва қисмлар ҳарбий оркестрлари, ижодий жамоаларининг халқ орасида, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юрталари, сержантлар тайёрлаш мактабларида чиқишларини ташкил этиши;

— ҳарбий хизматчилар ва улар она аъзоларининг тарихий ва ўнмашнослик музейларига, Қуролли Кучлар музейига ташрифларини уюштириши;

— ҳарбий қисмлар, ҳарбий билим юрталари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий хизматчилар ота-оналари, маҳаллий ҳокимлик органлари, жамоатчилик вакиллари ва қаҳриқача бўлган ёшлар иштирокида «Очиз эшиклар кунлари» ўтказиши;

— «Энг илгалар йилити» танловини яқинлаштириши;

— вилоятлар, шаҳар ва туманларда ўриятилган «Мотамсаро она» ҳайкали, Хотира майдонларидаги ёдгорликлар пойига, Ватан ҳимоясини йўлида ҳалок бўлган жангчилар қабрларида ҳарбий округлар, қўшилма ва қисмлар, муассасалар раҳбарияти томонидан гулчамбарлар қўйиши;

— Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб амалга ошириладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиши; Марказий ва вилоятлар телевидениеларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, уларнинг мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлашдаги ролинини тарғиб этадиган туркум кўрсатувлар тайёрлаши;

— Ўзбекистон халқининг улдуғ байрамларидан бири сифатида нишонланадиган Ватан ҳимоячилари кунини тадбирларини юқори савия-

да ташкил этиши ва ўтказиши;

— Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режасини тўлиқ ҳаётга татиқ этиши, қўшинларда байрамона муҳит ва юксак ватанпарварлик кўтаринкилигини яратиши; тадбирларни давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви, кенг жамоатчилик, маҳаллалар кўмиталари, ижодий, бадий жамоалар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказиши; ҳарбий қисмларда маданият-оммавий, маърифий ва тарбиявий ишлар моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ амалий чора-тадбирлар белгилаши;

— Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучлар ташкил тошганлигининг 13 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ҳарбий округлар, қўшилма ва ҳарбий қисмлар, муассасаларда тузилган махсус ишчи гуруҳлари фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориши;

— байрам тадбирлари туб моҳиятини Қуролли Кучларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини таъминлашдаги ролинини тарғиб этиши, шахсий таркиб ватанпарварлик тарбиясини юксалтириши, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳушёрлигини ошириши, жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори натижаларга эришишга йўналтирилиши;

— шонли санага бағишланган барча тадбирларини «Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир!» шiori остида амалга ошириши;

— Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучлар 13 йиллигига бағишлаб ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, умумтаълим, ўрта-махсус ва олий таълим муассасалари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда оммавий ватанпарварлик тадбирлари ўтказиши; оммавий ватанпарварлик тадбирларини ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюшдиқлик билан ташкил этиши;

— жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарликларда пешқадамлик қилиб келаётган ҳарбий хизматчилар, шуниқдек, Қуролли Кучлар фахрийларининг республика ва маҳаллий телевидение кўрсатувларида, радио эшитиришларида чиқишларини уюштириши;

— умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрталарида ҳарбий хизматчилар иштирокида Жасорат дарслари ўтказиши; — талабалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг Қуролли Кучлар марказий музейи ва ҳарбий қисмлар Жанговар шон-шухрат хоналарига ташрифларини ташкил қилиши;

— жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори натижаларга эришиб, тартиб-интизом бўйича намуна кўрсатиб келаётган ҳарбий хизматчиларнинг шараф-лаш кечаларини уюштириши, улар ота-оналарига, таълим олган билим масканларига, меҳнат жамоаларига Миннатдорчилик хатлари юбориши;

— Оммавий ватанпарварлик тадбирлари, Жасорат дарслари, шахсий таркиб ватанпарварлик тарбиясини бўйича қисм ва бўлимлар-

да тўпланган илгор тажрибалар, Ватан, ватанпарварлик, миллий истиқлол гоҳси, мамлакатимиз тарихи, аждодларимиз қаҳрамонликлари, ҳарбий хизматчиларнинг фаолияти, Қуролли Кучларнинг жамиятда тулган ўрни ўз ифодасини топган мақолалар, сафдошларига ўрнатилган кўрсатиб келаётган ҳарбийлар ҳақидаги лавҳалар марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари, жумладан «Ватанпарвар» газетасида «Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучлар 13 йиллигини муносиб кўтиб оламиз», «Аъло хизматимиз сенга Ватан», «Халқ ва армия якдил», «Улар номи абадийдир» руқияларини очиб, жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори натижаларга эришиб келаётган аскарлар, сержант ва офицерлар, ҳарбий жамоалар фаолияти, Ватан ҳимоясини йўлида ҳалок бўлган фидойи ўғлонлар ҳақида туркум мақола, лавҳалар эълон қилиш, марказий ҳамда маҳаллий телевидение ва радио тармоғи, «Ватанимга хизмат қиламан» телекўрсатувни орқали кенг ёритиши;

— ҳарбий қисмлар, гарнизонлар офицерлар саройлари, аскарлар клублари, кутубхоналар, иқтимоий-сиёсий ахборот хоналари, Қуролли Кучлар марказий музейи ва қисмлар Жанговар шон-шухрат музейларида кўргазмалар ташкил этиши;

— ҳарбий шаҳарчалар, қисм ва бўлимлар, муассаса ва ташкилотлар ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида 2005 йил 8 январь кунини Умумармия ҳашарини уюштириши;

— ҳарбий округлар, қисм ва муассасаларда маҳаллий ҳокимлик, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари, аскар ота-оналари иштирокида тантанали йилитишлар ўтказиши;

— ҳарбий қўшилма ва қисмлар офицерлар саройлари, аскарлар клубларида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали мажлис ва концертлар ташкил этиши; давлат муқофотиغا сазовор бўлган ҳарбий хизматчиларни шарафлаш ва қўллаш; жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган ҳарбий хизматчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириши;

— Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучлар ташкил тошганлигининг 13 йиллигига бағишланган барча ҳарбий қисм ва муассасалар, корхона ва ташкилотларда ташкилий ва амалий ишларини сифат жиҳатдан янги, кам сонли, тезкор, замонавий жанговар техника ва қурол-аслаҳалар билан жиҳозланган, замонавий талабларга жавоб бера оладиган ҳамда мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинч-осойишталигини ҳимоя қилишга қодир миллий армиямизнинг жамиятда тулган ўрнини омма орасида тарғиб этиш, унинг нуфузини ошириши, ёшларда Ватан ҳимоясини касбига ҳурмат, ҳавас уйғотишга, Қуролли Кучларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини таъминлашдаги ролинини тарғиб этиши, шахсий таркиб ватанпарварлик тарбиясини юксалтириши, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳушёрлигини ошириши, жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори натижаларга эришишга йўналтириши.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

ТРАЯН БЕСЕСКУ — РУМИНИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Яншаба кунин Руминияда президент сайловининг иккинчи босқини ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, унда Бухарест шаҳри мэри Траян Бесеску 51,23 фоиз овоз билан ғалаба қозонган.

Амалдаги президент Нон Илеску янги раҳбарни кутлар экан, 17 декабрь кунин Бухарестда Европа давлатлари раҳбарлари иштирокида ўтқандиган анжуманга бирга боришни таклиф этди. Ушбу саммит доирасида Руминиянинг Европа Иттифоқи билан интеграциялашуви бўйича музокаралар жараёни якунига етгани расман эълон қилинди.

ЗАСЕДАНИЕ СЕАП В БРЮССЕЛЕ

В штаб-квартире НАТО в Брюсселе состоялось заседание Совета Евроатлантического партнерства (СЕАП) на уровне министров иностранных дел. Это первая встреча глав внешнеполитических ведомств стран-членов и партнеров Североатлантического альянса после Стамбульского саммита НАТО/СЕАП в июле 2004 года.

Выступивший на заседании СЕАП госсекретарь США К. Пауэлл выразил благодарность странам Центральной Азии и Кавказа за их вклад в обеспечение безопасности и поддержку международных усилий в этой области.

НАРКОБИЗНЕСГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ТАДБИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сўнгги ҳисоб-китобларига кўра, дунёда 185 миллион нафар гиёҳванд бор. Наркотик моддалар ишлаб чиқаришнинг 75 фоизи Африқонистонга тўғри келади.

Пойтахтимизда «Тўсиқ-2» тадбирининг иккинчи оиллик якунига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда маъруз тадбирда иштирок этган Россия, Қозғистон, Грузия, Қирғизистон, Озарбойжон, Украина, Тожикистон, Молдова ва бундан ташқари масъул ходимлари, АҚШ, Россия ва Тожикистондаги гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик моддалари айлиниши қарши курашуви ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда АҚШ адлия вазирлиги гиёҳвандликка қарши кураши агентлиги ҳамкорлигида таъинланган олти оиллик тадбири бу борадаги ишларни янада фаоллаштириши ўзига интилади. Бу тадбирнинг мақсади гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш ташаббуслари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Генеральный секретарь НАТО также отметил, что итоги его недавних визитов в страны Центральной Азии и Кавказа придают ему уверенность в том, что НАТО и страны-партнеры располагают возможностью решить большую часть региональных проблем в области безопасности, реформирования общества путем политического диалога и практического сотрудничества.

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

ПРОТЕЗ ДЛЯ ДЕЛЬФИНА

Японский ветеринар сделал протез для дельфина, которому в 2002 году был ампутирован хвостовой плавник. В настоящее время дельфин Фудзи уже может плавать. Протез изготовлен сотрудниками компании «Бриджстоун» из резины,

АКСУМСКИЙ ОБЕЛИСК

Знаменитый Аксумский обелиск, возведенный 2000 лет назад в честь царицы Савской на территории современной Эфиопии и вывезенный в Италию в 1937 году Муссолини в ходе эфиопской кампании, будет возвращен на родину в 2005 году. Об этом заявил премьер-министр Эфиопии Мелеес Зенауи. «Мы снова увидим Аксумский обелиск в будущем году», — сообщил Зенауи.

Норгул АБДУРАИМОВА, УзА мухбири.

НА «Жахон»

18.30 ТБ-дорхона. 18.25 Кинохитлар ташталоқлари. 18.00 «Ассалои, Ўзбекистон!».

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Сайловлар минбари', 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes shows like 'Мунаввар', 'Аксумский обелиск', 'Сайловлар минбари'.

21 ДЕКАБРЯ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот».
8.40 «Эхтимол ул ар аклдан озингандир».

19.35, 21.55 «Сайловлар мидбарлари».
19.50 «Сайлов-2004».
19.55 Мусикий лахза.

15.20 «Угадай мелодию».
15.50 Детектив «Убийство на Монастырских прудах».

16.00 «Добро пожаловать, или Посторонним вход запрещен».
17.30 «Девятые врата».

26 ДЕКАБРЯ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонуничилик палатаси, ҳамда ҳаққ депутатлари вилояти, тумани ва шаҳар кенгашлирига сайловлар куни.

21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта чиқди.
22.40 «Койилмаком саяхат». Фильм.

18.00 Времена.
18.50 «КВН-2004». Высшая лига. Финал.
21.00 Времена.

5.55 Фильм «По секрету всему свету».
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 4.00 Сегодя утро».

7.00 «Мунаввар тоғ».
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00, 19.00.

9.05 «Благословите женщину». Фильм.
10.10 «Детский спорт».
10.25 «Дисней-клуб».

3.00 «Доброе утро, Россия!».
6.45 «Я тебя люблю».
7.50 «Кремлевские асы».

9.00 «Детки из класса 402».
9.25 «Таракан-робот».
9.50 «Кот по имени Ик».

7.00 «Мунаввар тоғ».
8.50 Олтин мерос.
9.00, 11.00, 13.00, 15.00.

6.00, 10.00 Новости.
6.10 «Ножки-мышки».
6.30 «Остроумный фильм».

8.30 Жизнь в слове.
9.00 «Мистер Бамп».
9.30 «Рекс».
10.00 «Мультипульти».


9.30, 6.10 «Дикий планета».
«Европа слов». Док. Фильм.
10.25 «Приключения Кюна-варвара».

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова сўзга чиққанида, оналар алласи фарзандларини дадилликка, огоҳликка ундаши, онанинг оқ сўти билан Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини сингдирилиши ҳақида тўққиланиб гапирди. У залда тўпланган аскарлар сержантлар, курсантлар офицерларга оналар номидан мурожаат қилиб, Ватан ҳимоясидек масъулиятли ва шарафли ишни аъло даражада бажаришлари борасида уларга зафарлар ёр бўлишини тилади. Мазкур тадбирлар мактабларда, коллежлар ва олий ўқув юртиларида ҳам юксак савияда ўтказилиши режалаштирилганини таъкидлади.

Оммавий ватанпарварлик тадбирлари очилиш маросимига таклиф қилинган пойтахт гарнизони ҳарбий жамоалари илгор аскарлари, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ва офицерлар олдида Тош-



кент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Анвар Аҳмедов, шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раиси Сарвар Абдуллаев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгашининг бўлим

бошлиги Камолитдин Бердиевлар ҳам сўзга чиқиб, ўз эзгу тилакларини билдиришди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бў-

лини ўринбосари полковник Манинобжон Аҳмедов қатнашди.

Танаффус пайтида таклиф қилинган меҳмонлар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташилотни томо-

нидан уюштирилган спорт мотобикллари ва авиамоделлар кўргазмаларини томоша қилишди. Биз лейтенант Обиджон Ҳасанов, мотобикл спорти устаси Виктор Лавров ва ТАТУ ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги Махсус факультетининг курсанти Шерзод Турсуновларнинг самолёт моделини катта қизиқиш билан томоша қилиб туришганиларини гувоҳи бўлдик (суратда).

«Нуроний» жамғармаси шаҳар Кенгашининг раиси Муҳаммаджон ота Зўфаров ва Фарида опа Абдурахимова-ларини (суратда) курсантлар ва сержантлар даврасидаги қизгин суҳбатлари чоғида учратганимизда аса халқ ва армиямиз яқинлигига яна бир бор амин бўлдик.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари тайёрлаб келган концерт дастури тадбирга файз бағишлади.

Шундай қилиб, оммавий ватанпарварлик тадбирларига расман старт берилди. Демак, энди ҳар бир вилоятда, шаҳарда, туманларда ранг-баранг тадбирлар ўтказилади.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.
Подполковник
Ярослав КОРУКА
олган суратлар.

• ЭТО ИНТЕРЕСНО ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Чтобы получить необходимую информацию, человек часто прибегает к помощи энциклопедии. А знаете ли вы, что...

Энциклопедия — научное или научно-популярное справочное издание, содержащее наиболее существенную информацию по всем или отдельным областям знания или практической деятельности.

Они бывают: по содержанию — универсальные и отраслевые, по структуре — алфавитные и систематические, а по объему — большие (несколько десятков томов), малые (10 — 12 томов), краткие (4 — 6 томов) и 1 — 3-х томные, обычно называемые энциклопедическими словарями.

Возникновение собственно энциклопедии относится к новому времени, хотя работы, имевшие энциклопедический характер, известны с глубокой древности — в Древнем Египте, в Древней Греции и Риме.

Самая древняя дошедшая до нас энциклопедия была написана в I веке до нашей эры в Риме Плинием. Она называлась «Естественная история». 37 томов книги содержали более чем 20 тысяч статей. Плиний использовал цитаты более чем 450 авторов. Эту книгу считали настолько ценной, что до середины XVI века ее переиздавали 43 раза.

Слово «энциклопедия» впервые ввел в английский язык сэр Томас Элиот и расшифровал его как «книга, объясняющая все известные науки и предметы». Это было в 1538 году.

Первую энциклопедию, где слова располагались в алфавитном порядке, составил английский священник Джон Харрис. Она вышла в свет в 1704 году и называлась «Универсальный английский словарь науки и искусств».

Самой большой была третья китайская энциклопедия. Один из китайских императоров, который умер в 1721 году, повелел составить эту книгу. Она содержала 5020 томов.

В 1751 — 1780 годах во Франции под редакцией Д. Дидро и Ж. Аламбера была опубликована «Энциклопедия, или Толковый словарь наук, искусств и ремесел», ставшая знаменем французского Просвещения и положившая начало широкому и повсеместному развитию энциклопедических изданий. В создании «Энциклопедии» активно участвовали Вольтер, Ж. Ж. Руссо, К. Гельвеций и другие.

Начиная с 2000 года издается «Узбекистон миллий энциклопедияси». Вышло в свет уже 7 томов этой уникальной книги.

Подготовил
Николай ЧУРСИНОВ

• ТУРФА ОЛАМ ИШ ЖОИДА КУЛГУ...

Германияда ошнор ва расман ўрнатилмаган тақдирда мавжуд яъни иш жойида кулиш мумкин эмас. Немис оммавий ахборот воситалари хабар беришича, иш жойида кулиш меҳнат қилувчининг иштирокида маълум муаммоларни келтириб чиқарар экан.

Ушбу ҳолатни ўрганиб, сўнг «Юмор билан муваффақият» номли китоб ёзган Томас Холтбрэндининг сўзига кўра, бу немисларга хос бўлган иштирок ва тартиб ҳисси билан боғлиқ экан. Бу ҳақида Рейтерс агентлиги хабар беради.

ИХТИРОЛАР... ИХТИРОЛАР...

Икки француз иختирочиси Жак Саго билан Жерар Павар яратган кўрлар учун махсус қалам Женевада ҳар йили ўтказиладиган халқаро иختирочилар кўргазмасининг биринчи мукофотига сазовор бўлди.

Бу янгиллик Брайль алифбоси жорий қилингандан кейинги энг муҳим ютуқдир. Янгиллик махсус сиёҳ солинган шарикли ручка бўлиб, у ёзгандан сўнг сиёҳи тезда қуриydi ва бармоқлар билан ўқиш мумкин бўлган қабарик ёзувлар пайдо бўлади.

Шанхай университети мутахассислари масофадан туриб бошқариладиган ажойиб машина иختиро қилдилар. У 3,5 минг метр сув тубида ишлаши мумкин.

Баландлиги 1,8 метр, узунлиги 3 метр, оғирлиги 3 тонна бўлган бу робот 3,5 минг метрлик сув тубига 30 дақиқада етиб боради. Машина бешта видеокамера, олти прожектор ва 2 та механик қўл билан жиҳозланган ва улар инсон қўлидан 4 марта катта. Яна бир неча юз килограммлик яъни бемалол кўтариши мумкин. Узига хос прожекторларнинг иккитаси аса радиуси 100 метр бўлган эмистон ҳудудини ёритиши мумкин.

КУПЛЮ

● Шв. маш., стир. маш., холодильник, БК, газ. пл.,

ТВ, в/маг., велосипед раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 14 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боғхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун ҳорижий валюта-

ларнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари 1055,28
1 евро 1400,88

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

К 200-летию великого сказочника Г. -Х. Андерсена МОЛОДЕЖНЫЙ ТЕАТР УЗБЕКИСТАНА

ПРИГЛАШАЕТ:

С 24 декабря 2004 г. по 9 января 2005 г.
в 10.00; 12.00; 14.00 и 16.00 часов
на новогодние представления
с премьерой спектакля

«ДЮИМОВОЧКА»



И НА СЦЕНЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ КОНСЕРВАТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

новогодние представления
на русском и узбекском языках

с премьерой спектакля

«ДАР ВОЗЛЮБЛЕННОЙ ПРИНЦЕССЕ»

Справки по телефону: 144-10-89.
Форма оплаты любая.

● ДИҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг 13 йиллигига

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг 13 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни



тантанали нишонлаш дастурига мувофиқ Қуrolли Кучлар Марказий музейи кўргазмалар залида 2005 йил 14 январь арафасида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуrolли Кучлар фахрийлари иштирокида анъанавий Бешинчи умумармия бадий ижодиёти кўргазмаси очилади ва ўтказилади.

Бадий ижодиёт кўргазмасида қатнашиш учун тасвирий санъат асарлари (мавули ва жанрга

оид), портретлар, манзаралар, натюрмортлар, расмлар, графика, халқ амалий санъати буюмлари, сополдан ясалган буюмлар (керамика), ёғоч, ганч, металл нақш ўймакорлиги, тўқимачилик, бадий каштачилик, заргарлик ва зардўзлик буюмлари ҳамда бошқа турдаги санъат асарлари тақдим этилади.

Кўргазма голиблари ва совриндорларига пул мукофотлари (1-ўрин — 30



минг сўм, иккита 2-ўрин — 20 минг сўмдан, иккита 3-ўрин — 15 минг сўмдан) ва дипломлар топширилади.

КОМАНДИРЛАР, УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БУЙИЧА УРИНБОСАРЛАРИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ РАИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ишлар муаллифлар ҳақидаги маълумотлар билан биргаликда 2004 йилнинг 25 декабригача Қуrolли Кучлар Марказий музейига юборилши лозим.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

26 декабрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали Мудофаа вазирлиги Ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга чиқади.

Мазкур сонда «Юртининг асл ўғлонлари» умумий руқни остида Ватанимиз юксак мукофотларига сазовор бўлган ҳарбий хизматчилар ҳақида лавҳалар берилиши давом эттирилади.

Шунингдек, юртимизда илк бор ўтказилаётган икки палатали парламентга ва маҳаллий кенгашларга сайловлар, «Ҳарбий почта» каби анъанавий руқлардаги ахборотлар кўрсатувдан ўрин олади.

Кўрсатувнинг такрорий намойиши сешанба, 28 декабрь соат 16.00 да эфирга узатилади.

Ўз мухбиримиз.


ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 148

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Отдых. 5. Аут. 6. Абр. 10. Мещанин. 12. Тунис. 13. Фанза. 15. Бункер. 17. Вояс. 19. Клерк. 22. «Оскар». 24. Дактил. 26. Оса. 27. Хна. 29. Такса.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Ответ. 2. Демарш. 3. Халиф. 8. Азу. 9. Воз. 10. Мюкард. 11. Надпись. 12. Табак. 14. Ассур. 18. Летчик. 20. Лес. 21. Кават. 22. Оляха. 23. Акт.

ВОКРУГ ЦИФРЫ ПО ЧАСОВОЙ СТРЕЛКЕ: 4. Альманах. 7. Реверанс. 16. Шведюра. 25. Скоморох. 28. Автограф.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. Старик не велик, а стоять не велит. 6. Растение — «скалолаз». 7. «Трижды царственная» корона Папы Римского. 9. Паника (прост.). 10. Химический элемент. 12. Костюм акробата. 15. Что наиболее интересует геолога? 16. Сорт крупных, сладких яблок. 17. Обмундирование. 18. Увенчана конфорками.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Близнец документа. 2. Струнный щипковый музыкальный инструмент с овальным корпусом. 3. Предельная норма. 4. В религиозной мифологии: сверхъестественное существо, посланец Бога. 8. Садовое декоративное растение с крупными цветами, различной окраски, обычно без запаха. 9. Защита темечка

прораба. 11. Будущая собака. 12. Большое стоячее зерно. 13. Немилость начальства. 14. Бежать во всю...

ЧАИНВОРД: 19. Кавказская лепешка. 20. Постройка из жердей, покрытых ветками или соломой. 21. Колдун-знахарь. 22. Водоплавающая птица из семейства гусиных. 23. Шуршит в кармане чека. 24. «Резвая» часть коллектива. 25. Тот, кому все подчиняются в волчьей стае. 26. Тяжелый топор. 27. Рождественная тыня. 28. Сходка древних греков. 29. Сбоку — профиль, в лоб — ... 30. Тип кузова автомобиля. 31. Колокольная «сирена». 32. Аргентинский танец. 33. Вид искусства. 34. Язык программирования.

Составила З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Наступает плодотворная неделя. Постарайтесь потратить накопившуюся энергию на решение неотложных дел. Не стоит планировать серьезных дел и сделок без крайней необходимости. Можете составить беспронгрыйный план действий, если в том возникнет необходимость.

ТЕЛЕЦ. Предстоит много общаться и получать полезную информацию. Постарайтесь сделать перерыв в общении. Можете увидеть мир по-новому и возродить некоторые старые идеи, слегка подкорректировав их. Семья и друзья вряд ли оценят по достоинству недавние достижения.

БЛИЗНЕЦЫ. Не откладывайте в долгий ящик решение проблем, действуйте сейчас. Воплощайте планы в жизнь. Благоприятное время для интересных и полезных знакомств и укрепления деловых связей. Возможна неразбериха в семейных планах. Подождите, пока буря уляжется, и выскажите свое мнение.

РАК. Будут критиковать со всех сторон — все время по делу. Придется решать задачу с двумя неизвестными: от правильного ответа будет зависеть, откроются ли перед вами новые возможности

или нет. Не торопитесь брать на себя руководство или занимать лидирующую позицию. Попробуйте поиграть с судьбой в перевертыши, только не увлекайтесь.

ЛЕВ. Доберетесь-таки до лаврового венка. Если будете лениться, то достанется только банальный веник. Нужная информация сама приплывет. Не обращайтесь на шепот за спиной и завистливые вздохи. Можете оказаться в центре событий и проявить в этих нелегких обстоятельствах смелость и честность. Лучше не строить планов на будущее. Займитесь повседневными делами.

ДЕВА. Придется пожертвовать свободным временем и планами. Все, что делаете, может обернуться благом. Стоит взять на себя роль ответственного координатора. Лучше вести дела честно и открыто, сможете избежать проблем. Если близкие будут ссориться, сохраняйте нейтралитет.

ВЕСЫ. Ждут удачные встречи и общение с важными людьми. Наладятся отношения с детьми и соседями. Подходящее время для приобретения знаний, причем в любой области. Препирательства с бюрократами и бумажная волокита могут затянуться. Помощь

друзей будет весьма своевременна. Помните, приключения бывают опасными.

СКОРПИОН. Пришло время пересмотреть жизненные цели. Будут раздражать даже старые обои. Не срывайте гнев на окружающих, лучше начните концептуальный ремонт. Новые предложения будут звучать весьма заманчиво, но не принесут ни выгоды, ни удовольствия. В выходные старайтесь быть снисходительнее к настроению близких.

СТРЕЛЕЦ. Поделитесь радостью. Таким образом сможете превратить просто знакомых в верных друзей. Почувствуете прилив энергии и должны правильно им распорядиться. Прежде чем кардинально менять жизнь своих домочадцев, сообщите им об этом. Учитывая все возражения и замечания, достигнете куда большего. Мир и гармония в семье — это ваша заслуга.

КОЗЕРОГ. Самое время поделиться с сослуживцами новыми идеями. Задумки вдохновят коллектив на подвиг, начальство это оценит. Повышенче по службе приведет к тому, что обязанности станут гораздо больше. Если узнаете какую-то тайну, постарай-

тесь никому об этом не рассказывать. Близкие могут обидеться на невнимательность.

ВОДОЛЕЙ. Неделя насыщена общением с друзьями, короткими удачными поездками. Один из новых знакомых может оказаться очень влиятельной персоной, это пойдет на пользу. Пришла пора заняться собой: сделать новую стрижку или изменить причёску, пересмотреть гардероб. В середине недели прибавится бумажной работы.

РЫБЫ. Не пытайтесь бороться с обстоятельствами. Плывите по течению, это — наилучшее решение в сложившихся обстоятельствах. Не планируйте долгосрочных дел, связанных с недвижимостью. Разговаривая с коллегами по работе, убедитесь, что вас правильно понимают.

Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг Махсус факультети жамоаси полковник Раҳиммирзаев Ботур Салоҳиддиновичга синглиси

ГУЛБАҲОРНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ.

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган. «Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.

Адади 17170.

Буюртма № 0380.